

РЕСПУБЛИКА МАЎНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

БЕКДАВЛАТ АЛИЕВ
АБДУХАЛИЛ МЕЛИҚУЛОВ

АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Алиев, Бекдавлат

Ахборот хуружларидан хабардормисиз? / Б. Алиев, А. Меликулов; масъул муҳаррир Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-253-7

Мазкур рисолада ахборот ва ахборотлашган жамиятнинг моҳияти, турлари, вазифалари, ахборот хуружлари, намоён бўлиш шакллари ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда ахборотлар оқимидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Ушбу рисола, маънавият тарғиботи бўйича шуғулланаётган мутахассислар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, профессор-ўқитувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

УЎК: 32.019.52

КБК: 66.2 (5Ў)

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:

*сиёсий фанлар доктори **Қ. Қуранбоев***

Т а қ р и з ч и л а р:

*фалсафа фанлари доктори, профессор **И. Саифназаров***

*социология фанлари доктори, профессор **А. Умаров***

КИРИШ

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида бугун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар ёш авлод тараққиёти учун мисли қўрилмаган янги имкониятлар яратиб берди. Фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот коммуникация технологиялари, жумладан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб ташлади. Бу эса ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига катта ҳисса қўшди.

Республикамиз Президенти айтганидек, «одамзод тафаккурининг юксак ва ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айти пайтда куч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий курул сифатида ишлатилаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди»¹. Бу борада, биринчи навбатда, ёшларнинг тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган урунишларнинг асл моҳиятини, уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чуқур ўйланган, катта молиявий ва моддий манбаларга эга бўлган бундай ҳаракатларнинг ортида нималар туради, нима учун улар бу қадар кўп куч, маблағ сарфлаётганлигини қандай тушуниш мумкин – деган ҳақли саволлар жамиятнинг барча фуқароларини кизиштириши турган гап. Ўз келажагини ўз қўли билан барпо этаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан ҳам муайян сиёсий марказлар томонидан турли хил мафкуравий, информацион воситалардан салбий ахборотларни тарғиб қилишда унумли фойдаланмоқдалар. Бу борада Президент Ислам Каримов кўрсатиб ўтганидек: «ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ўғил-қизларимизни танлаган йўлидан оғдириш, уларнинг қалбига биз учун мутлоқо бегона ва зарарли бўлган қарашларни сингдириш, маънавий илдиз ва томирларимиздан жудо қилишдек зарарли интилишлар яширингани бугун тобора аён бўлмоқда».

«Бунинг тасдиғини ён – атрофимизда, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида юз бераётган воқеалар, айрим сиёсий кучларнинг сохта ғоя ва мафкураларини олдинга суриш орқали ўзлари кўз тиккан мамлакатларни таъсир доирасига олиш ва ўзига тобе қилиш»¹ га уринмоқдалар.

АХБОРОТ ВА АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ

Биз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлайдиган фуқаролик жамиятини яратмоқдамиз. Бу жамият кишилариининг маънавияти демократик тафаккури юксалиши билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга инсоният ахборот асрига кадам қўйди ва ахборотлашган жамият шаклланмоқда. Бир вақтда қарор топаётган фуқаролик жамияти ва ахборотлашган жамият бир хил, яъни ўзаро зид ҳодисалар эмас, бу тушунчалар ягона жамиятнинг турли қирраларини ифодалайди.

Ахборотлашган жамият фуқаролик жамиятиниинг қарор топишидаги зарурий шартидир. Уларнинг ало-қаси бир томонлама эмас. Албатта, инсон эркинлиги ва юксак маънавиятига асосланган фуқаролик жамияти ахборотлашув жараёнининг эркин ва самарали қарор топишини таъминлайли. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар қандай ислохотнинг пировард натижаси, аввало, унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда, одамларга ислохотларнинг мазмун моҳиятини аниқ-равшан тушунтириб бериш, шу асос-да жамият аъзоларида ишонч уйғотиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга»¹.

Ахборот (арабча ахбор-хабарлар, маълумотлар) – муайян воқеа-ҳодисалар тўғрисида хабар ёки маълумот, уларни тушунтириш, тушуниш ва идрок этишда қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетика ва информатиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги кенг маъно касб этаётган терминдир. У, ўз навбатида, ахборот назариясида, ахборот олиш қафолатлари ва эркинлигида жамиятнинг ахборотлашуви ва ахборотлашган жамиятда қўйингки барча жараёнларнинг ахборотлаштирилишида ўзини намоён қилади¹.

Ахборотлашган жамият концепциясининг асосчилари ва йирик назариётчилари (Д. Белл, Э. Тоффлер, Й. Масуда ва б.) янги ижтимоий тизимнинг асосий белгиларини кўрсатган эдилар. Юқорида келтирилган ахборотлашган жамиятнинг характерли белгиларини таҳлил қилсак, бу тизим айрим мамлакатларда амалга ошаётганлиги ёки, аксинча, узоқ келажакда воқеъ бўлиши ҳақида ҳам ҳулоса чиқариш мумкин. Таъкидлаганимиздек, ахборот технологиялари ривож, айниқса, компьютернинг кенг тарқалиши айрим белгиларнинг амалга ошишини рад этмоқда. Айрим тадқиқотчилар маданий мезонлар асосида янги тизим моҳиятини тушунтиришга уринадилар. Бу мезонларни қисқача тавсифлаганимизда қуйидагилар аён бўлади:

Технологик мезон. Ахборотлашган жамиятни XX аср охирида кенг тарқалган, жамият ҳаётини сезиларли ўзгартирган янги технологиялар орқали таърифлашга уриналади.

Иқтисодий мезон. Иқтисодчилар жамиятнинг иқтисодий соҳасида ахборот жараёнларини таҳлил қилишга жиддий уринганлар. Жумладан, Ф. Махлуп ва М. Поратлар.

Социологик мезон. Ахборотлашган жамиятни банд-лик соҳасидаги ўзгаришлар нуктаи назаридан оддий ва машина меҳнатининг ахборот технологиялари, менежмент, бошқариш соҳасидаги мутахассислар, интеллектуал меҳнатда банд ходимларнинг ўсиши томонидан сиқиб чиқарилиши нуктаи назаридан тафсифлайди.

Маконий мезон. Ахборотлашган жамиятни ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари (аутсорсинг, инсорсинг, тармоқ структураси) нуктаи назаридан таърифлайди.

Маданият мезони. Фан ва инновацион технологияларнинг ўсиб бораётган ролини ифодалайди. Бу мезон ҳозирги замон жамиятларининг тезкорлигини таъкидлайди, ахборот муҳити кишиларга катта босим ўтказди.

Шундай қилиб, бу мезонлар ҳам постиндустриал, ахборотлашган жамиятда билимнинг, биринчи навбатда, илмий – назарий билимлар ҳаётнинг барча соҳаларида кенг тарқалиб бораётганлигини кўрсатади.

Гуманитар ва фалсафа фанларида ахборот тушунчасига қизиқиш «ахборотлашган жамият назарияси»нинг шаклланишига олиб келди. Бундан шу нарса аён бўладики, ахборотнинг турли кўринишлари ва шакллари мавжуд бўлиб, улар маданият ривожига мос равишда ривожланиб, такомиллашиб боради.

Идрок қилиш усулига кўра ахборот қуйидаги кўринишларга ажратилади:

- визуал – кўриш органлари орқали қабул қилина-диган ахборотлар;
- аудиал – эшитиш органлари орқали қабул қилина-диган ахборотлар;
- ҳидлаш орқали қабул қилинадиган ахборотлар;
- тери сезгиси орқали қабул қилинадиган ахборотлар.

Тақдим этиш кўринишига кўра ахборотларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- матнли ахборот – турли рамзлар орқали ифодаланади;
- сонли ахборот – рақамлар ва белгилар ёрдамида ифодаланади;
- график ахборот – предметлар, тасвирлар, графиклар ёрдамида ифодаланади;
- товушли ахборот – оғзаки ёки товуш узатадиган ёзув шаклида ифодаланилади.

Ахборот вазифасига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

- оммавий жамиятнинг кўпчилик қисми учун тушунарли бўлган ахборотлар;
- махсус тор ижтимоий гуруҳ доираси учун мўлжалланган ахборотлар;
- шахсий қайсидир шахс тўғрисидаги маълумотлар мажмуидан иборат ахборотлар.

Инсоният жамияти тарихида содир бўлган ҳар бир ахборот инқилоби натижасида унинг жамият, инсон ҳаётидаги мавқеи юксалиб келганини кўрамыз. Инсоният тарихида бешта ахборот инқилобини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи ахборот инқилоби – ёзувнинг кашф этилиши.

Иккинчи ахборот инқилоби (VIII асрнинг ўрталарида) – китоб босишнинг ихтиро қилиниши (Гутенберг ва Иван Фёдоровлар).

Учинчи ахборот инқилоби (XIX асрнинг охири) – электр энергияси кашф этилганидан сўнг телеграф, телефон, радио пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Тўртинчи ахборот инқилоби (XX асрнинг ўрталари) – ҳисоблаш техникасининг ихтиро қилиниши, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши, алоқа ва телекоммуникациялар тармоғининг яратилиши.

Бешинчи ахборот инқилоби (XX асрнинг охири) – глобал ахборот-компьютер тармоқларининг яратилиши туфайли содир бўлди. Бу тармоқлар ҳозирги вақтда деярли барча мамлакатларни қамраб олган. Бутунжаҳон компьютер тармоқларига ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпининг кириш имкониятлари яратилди.

Бу инқилобларнинг оқибатларини таҳлил қилар эканмиз, ахборотнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Муҳим хусусиятларидан бири унинг кўп нусхада ва узоқ масофаларга, келажак даврларига етиб боришида беқиёс юксалишлар содир бўлганидир.

АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ахборотлашув шароитида дунёнинг мафжуравий манзараси жуда мураккаблашиб кетди. Унда таъсир кучига эга бўлишнинг энг мақбул йўли маблағ қанча кетишидан қатъи назар йирик ахборот тарқатувчилик мавқеини эгаллашдир. Дунёда инфор­мацион уруш кетаётгани, ҳатто оддий инсонлар учун ҳам ҳозирда сир бўлмай қолди. Мисол учун, бирон мамлакат ҳудудида маълум турмуш тарзини, қадриятлар тизимини улуғловчи рисо­лалар, санъат асарлари, кинофильмлар, ахборотлар ва ҳоказолар тарқатилмоқда. Бу инфор­мациялар жамиятда маълум ижтимоий фикрнинг шаклланишига таъсир этмасдан қолмайди, албатта. Президентимиз Ислом Каримовнинг ёшларни очиқ ахборот олиш даврида ҳукм сураётган умумбашарий ахлокий инқироздан асраш муаммосига алоҳида эътибор қаратгани аҳамиятга мо­лиқдир: «...кейинги йилларда кўплаб на­мойиш этилаётган жангарилик филь­мларини олайлик. Бу филь­мларни кўпчи­лик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ. Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай филь­млардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада, уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто, шундай томоша ва филь­мларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақ­лид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки, улар

бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди»¹.

Ахборотлашув жараёнига жамики инсоният тортилаётган бўлса-да, аммо ёшларнинг иштирокини жиддий ўрганиш талаб этилади. Бу ёшларга келажагимиз давомчиси сифатида ғамхўрлик қилишгина эмас, балки ахборотлашув жараёни айнан ёшлар иштирокида кенг қамровли аҳамият касб этаётгани билан изоҳланади. Ахборотлашув туфайли эришилган ютуқлар ва ортти-рилган «оммавий маданият» динамик ҳарактерда бўлиб, унинг тарқатиш воситалари – замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, интернет тармоқлари ва компьютер тизимлари тезликни талаб қилади ва бу имконият ёшларда кўпроқ акс этган. Қолаверса, ушбу тизимларнинг фаолиятига бўлган қизиқиш ҳам ёш-ларга хос жараён. «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад – муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди»¹, – деб ёзади Президентимиз Ислом Каримов.

Афсуслар бўлсинки, ахборотлашув туфайли бугун ёшларимизнинг аксарияти Европа ва хорижий маънавий-маданий оқимлар таъсирига кўпроқ иштиёқманд бўлиб миллий маънавиятимизнинг ҳаётбахш, юксак ахлоқий тамойилларга ихлосмандлиги суст кечмоқда. Инсон қадри, масъулияти, ахлоқига беписандлик баъзи ёшларнинг кийиниши, феъл-атвори, юриш-туришида яққол кўзга ташланади. Аслида инсон қадрияти унинг ахлоқийликка йўналгани билан белгиланиши лозим.

Ҳисоб китобсиз маблағ ахборотни қайта ишлаш, уларни белгиланган маконга етказиш, етказганда ҳам биринчи бўлишга қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки, одамларда ахборотни энг аввал бера олган, доимо ҳақ бўлади, деган қараш мавжуд бўлади. Жумладан, дунёга тарқатилаётган 80 % ахборотни (Мисол учун Нью Йорк, Лондон, Париж ва ҳоказо) санокли ахборот агентликлари етказиб бермоқда. Бу эса уларга хоҳлаган ахборотни ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тарқатиш имконини беради. Ўз-ўзидан кўринадик, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) орқали олиб борилаётган маънавий хуружлар ахлоқий бўшлиқ ҳолатини яратади. Ёнғин тушган ўрмонлар, ҳалокатга учраган кемалар, ёнган касалхоналар, қалбни музлатиб юборадиган ёлланма қотилликлар, ва бошқа жиноятлар ҳақидаги ахборотлар ҳар қандай киши онгида кучли саросималикни муҳайё қилади, чорасизлик ва аянч туйғусини вужудга келтиради. Бу ўринда мамлакатимиз Президентининг «Наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, террорчилик сингари таҳдидлар» ҳамда «инсон табиатидаги инсонийликдан кўра кўпроқ вахшийликни, ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизлик ҳисларини кўзғотадиган, ёшлар дийдасини қотирадиган, улар қалбида ўзларига сездирмаган ҳолда тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олишига олиб келадиган жангарилик фильм ларининг жиддий зарарлари» ҳақидаги фикрлари яна бир бор ўз долзарблигини намоён этади¹.

Бундай ўзгаришларга қанчалик қаршилиқ кўрсатилмасин, улар бари-бир ҳаёлимиздан ўтаверади. Зеро, ахборотлашув жараёнидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар бор экан, бу ўзгаришлардаги салбий жиҳатлар ҳам кенгайиб, ҳам кучайиб бораверади. Ахборотлашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларига хизмат қиладиган бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад миллий манфаат ва қадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига зарба бериб, бугун дунёда ғарбона андозаларга асосланган, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий жиҳатдан ягона тамаддун ҳукмронлигини ўрнатишидан иборат. «Бундай саъй-ҳаракатларнинг хатарли жиҳати шундаки, унинг бошқа тамаддунлар, халқлар ва давлатлар учун қандай оқибатлар

келтириб чиқариши, масалан, яқиндагина мустақилликка эришган мамлакатларнинг миллий манфаатлари, анъана ва кадриятларига қай тарзда таъсир этиши мумкинлиги глобал ҳукмронликка интилаётган кучларни у қадар ташвишлантирмайди»².

Марказий Осиё давлатлари учун тайёрланаётган ахборотларнинг аксарияти бу ҳудудда яшаётганлар дунёқарашига психологик таъсир этишни мақсад қилган мафжуравий марказлар тамонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг мақсади, мустақил давлатлар танлаган йўлни нотўғри деб сингдиришга қаратилган, уларни охир оқибатда «ижтимоий ларзалар» кутаётганини асослашга асосий эътибор берилганидан билишимиз мумкинки, буларнинг барчаси миллат руҳини тушириш, уни танлаган йўлидан қайтариш ва ҳомий ахтаришга мажбур этишни амалга оширишдан иборат. Дунёда: «ўзга ҳудудларни забт этиш учун, уларнинг аҳолисини кириш шарт эмас. Зеро, онги ва шури забт этилган, қараш ва кайфиятлари маъқул йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб бормоқда»¹. Бу борада миллий матбуотимиз ожизлик қилса, ахборот майдонидаги иқлимни бошқалар белгилайдиган ҳолга тушадиган бўлсак, ахборот урушида енгилиб қоламиз, бу гуёки «эркинлик», «демократияни олға силжитиш» қабилидаги сафсата билан юртимизга таъсир этишни мўлжаллаётган кучлар учун айна муддаодир. Бунга йўл қўймасликни барчамиз биламиз. Бунда, юртбошимиз айтганидек: «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» лозимдир.

Айтиш жоизки, ахборотлашув шароитида интеллектуал захираларнинг ўзаро бойиши ва мулоқот имконияти ўсибгина қолмай, балки миллий маданият ривожлантирилиб, умуминсоний кадриятларга эришиш имконияти яратилади. Ахборотлашув этномиллий омилларнинг сиқиб чиқарилиши билан боғлиқ хавфни вужудга келтиради. Ёшларда ўз турмуш маданиятини ўрганишга иштиёқнинг сусайтирилиши, оммавий маданият таъсирида маънавий-мафжуравий қашшоқлашишга имконият яратади. Бундай ҳолатда ахборотлашувнинг ўзи маданиятга тўғридан-тўғри, бевосита таъсир кўрсатмай, балки ахборот технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари (йўлдошли телевидение, интернет) орқали таъсир кўрсатади.

Бундай ахборотлашув жараёнлари фойда кетидан қувадиган, асосан моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган, миллий ҳамда синфий киё-фасини йўқотган, ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай ғояни қўллашга тайёр турган шахсларни вояга етказди. Бу салбий ҳолатлар жамиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бунинг учун ҳар бир шахс курашиши, зарур бўлса барча имкониятларини ишга солиши лозим. Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани каби ахборотлашув жараёнининг ҳам томонлари мавжуддир. Бугунги кунда унинг кенг қамровли таъсирини барча соҳаларда кўриб турибмиз. Зеро, «Давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграциялашув ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникацион ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда»¹.

Ахборотлашув ҳақиқатда инсоннинг нафақат моддий ҳаёт тарзига, унинг маънавияти, руҳий оламига ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ҳар сонияда виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши, унинг ҳосили дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсоният маданиятига туғдираётган хавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри келади. Бундай нохуш ғайриинсоний ҳолатлар муайян

кучларнинг ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятлардан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлга буриш, ўзлари тарғиб этаётган нопок гоё ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан боғланиб кетгандир. Бундай таъсирга интернет аудиториясининг энг фаол, энг кўп қисми, тафаккури етилиб, дунёқараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлар дуч келади. Афсуски, ана шундай жиддий муаммони мукамал ва тизимли ўрганишга етарли эътибор берилмаяпти. Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ёзадиларки: «Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин»¹. Булардан шу нарса анг-лашиладики, ҳозирда ҳар қандай ахборот чегара билмаслик хусусиятига эга. Шундай экан, эндигина онги, дунёқараши шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш муаммоси кучаймоқда.

Жаҳон миқёсида биргина интернет ахборотларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда Осиё минтақаси етакчилик қилмоқда (1,265,143,702 та), кейинги ўринда Европа (566,261,317 та), Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси давлатлари (302,006,016 та), Шимолий Америка мамлакатлари (300,287,577 та фойдаланувчи) кабилар туради.¹

Осиё минтақасида интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 2001 йилнинг 1 январиди 114,304,000 кишини ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 1,265,143,702 кишини ташкил этгани, Европа минтақасида эса 2001 йилнинг 1 январиди 105,096,093 кишини ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 566,261,317 кишини ташкил этгани бу тизимнинг нақадар кенг тармоқ отганидан далолат беради.

Ахборот тармоғининг энг муҳим қисмларидан бири интернет маълумотлари орасида порнографик мазмунга эга ахборотларнинг мавжудлиги ёш авлоднинг ҳулқ-атворида чексиз зарар етказади. Бу, ўз навбатида, жаҳон афкор оммасини ташвишга солиб миллат ва элатларнинг ахборот-руҳий ҳавфсизлигини таъминлаш масаласини кун тартибига олиб чиқмоқда. Очигини айтганда, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳолати ҳозирги даврда ахборот хуружларидан миллий ҳимояланганлик даражаси билан узвий боғланган.

Америка ва Европа мамлакатларида интернет ўзгача ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Вақти-вақти билан интернет муаммолари Европа Ҳавфсизлик Кенгашида ҳам муҳокама қилиниб, фойдаланувчиларнинг ҳаёсиз веб-ресурсларга киришларига монелик қилиш масаласига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, 1951 йилдан буён Германияда, жамоат жойларида ёшлар учун зарарли бўлган материаллар тарқалишига қарши қаратилган қонун, 1954 йилдан бери умуман ёшлар учун онгини заҳарлайдиган маълумотларни тарқатишни таъқиқлаш тўғрисида қонун, 1997 йилдан эса ёш авлод маънавияти ва соғлиғини ҳимоя қилувчи меъёрларни ўз ичига олган ахборот ва коммуникация хизматлари тўғрисидаги қонунларга амал қилиб, балоғат ёшига етмаганларни ҳавф туғдириши мумкин бўлган ахборотлардан ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйганлар. Бу мамлакатда, 52 йил бўлибдики, ёшларга зарар келтириши мумкин бўлган материалларни текширувчи Федерал бошқарма фаолият кўрсатади. Унинг ваколатлари доирасига бундай нобоп ва сотишга рухсат этилмаган маҳсулотларнинг (ОАВ, китоблар, видеофильмлар ва компьютер ўйинлари) рўйхатини тузиш вазифаси киради. Ушбу рўйхат асосида қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари (Голландия, Швейцария, Дания, Япония, Хитой, Ўзбекистон, Россия ва бошқа) қонунчилигида ёшларнинг руҳияти ва маънавий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Ёш авлодда бу жихатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар виртуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Фақат шундагина, глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маълумотларга кўр-кўрона эргашиши, уларни нотўғри талкин қилишининг олди олинад. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафжуравий иммунитет шаклланган бўлади. Дунёда ёшлар камоли ҳақида қайғурмайдиган, уларнинг келажаги учун жон қойитмайдиган давлат топилмаса керак. Ёшлар ҳар бир миллатнинг давомчилари бўлиши баробарида, давлатнинг таянчи, келажагини ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўладилар. Аммо, шундай кучлар ҳам борки, улар ўз қарашларини сингдириш йўлида ҳар қандай усуллардан ҳам воз кечмайди. Бироқ, шуниси ачинарлики, бундай кучларнинг қўлида инсоният онгини захарловчи юксак технологиялар, усуллар қурол воситасини ўтаётганлиги барчани ташвишга солади.

Ўтган асрнинг ўрталарида инсоният тараққиёти-нинг муҳим босқичи сифатида қаралган технологияларнинг ривожланиши, хабар алмашинувининг янги кўринишларининг вужудга келиши кўплаб ахборотларнинг тарқалишига олиб келди. Айнан шу даврлардан бошлаб мутахассислар томонидан «ахборот хуружи», «ахборот учун кураш» тушунчалари ишлатила бошланди. Ахборот технологияларининг ривожланиши туфайли асримизнинг бошига келиб, янги заҳиралар, бойликлар учун кураш умуман янги шаклда гавдаланди. Эндиликда бирон-бир давлатни босиб олиш учун қурол-аслаҳа, катта қўшин талаб қилинмайди. Аксинча, ўша давлат аҳолисининг онгини захарлаш, менталитет ва миллий қадриятларига ёт бўлган ғояларни сингдиришнинг ўзи кифоя. Бизга маълумки, бугунги кунда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати ядро қуролини яратиш устида тажрибалар ўтказяпти. Аммо, шу пайтнинг ўзида салкам юзга яқин мамлакат ахборот хуружларини уюштириш билан банд. Афсусланарлиси, бу каби салбий ҳолатлар Марказий Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистонга ҳам қарши қўлланилаётганлиги сир эмас.

Мамлакатимизга уюштирилаётган ахборот хуружлари, кириб келаётган ёт ғоялар нималарда ўз аксини топган уларни тарғиб этувчи кучлар кимлар деган, саволларга бугун долзарб мавзуга айланган.

Аёнки, собиқ иттифоқ инкирозидан сўнг мустақил давлатлар ўзларини намоён этгунига қадар бўлган даврда хориждан келадиган ахборот оқимларига кенг йўл очилди. Бу бўшлиқдан фойдаланган мухолифларимиз мамлакатимиз фуқароларига қарши қаратилган, миллий менталитетимизга хос бўлмаган ахборотларни тарқатишни кенгайтиришга ҳаракат қилди. Бу даврда ҳали аҳолининг кўп қисми яхши-ёмон, керакли ва кераксиз ахборотнинг фарқини унчалик англамасди. Бундан ташқари уларда холис ахборот оқимидан ноҳолисини ажратиб олиш учун тугал сиёсий онг шаклланиб улгурмаган эди. Албатта, бу каби ҳолатнинг асорати бугунги кунда ҳам сезилмоқда. Ҳозирги кунда ҳам баъзи ёшларда ҳар қандай ахборотни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиш ҳолатлари рўй бермоқда.

Интернет сайтларида ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир қилувчи ахборотлар оқимидан ташқари бузғунчи ғоялар асосида шакллантирилган материаллар ҳам учраб туради. Бундай ахборотларни қуйидаги гуруҳларга ажратса бўлади:

Биринчи тоифа сирасига ёт, бузғунчи ғоялар (диний экстремизм ва террорчилик ғоялари, миллатчилик, ирқчилик, садизм кабилар)ни киритиш мумкин.

Иккинчи тоифадаги ахборотлар ғарб ҳаёти тарзига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва кўникмаларни тарғиб этади. Бу, айниқса, ғарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб қилувчи мақолалар, клиплар, фильмларда яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага порнографик характерга эга бўлган ахборотларни киритиш мумкин.

Тўртинчиси эса ҳали текширилмаган, ўз исботига эга бўлмаган турли ҳужумкор ахборотлардир.

Ҳозирги даврда ёшлар дунёқарашининг шаклланишига телевидениенинг таъсири кучли. Бу соҳадаги таъсирлар турли телесериаллар ва кабель телевидение-лар томонидан узатилаётган турли дастурларда ўз аксини топади. Айниқса, эфир вақтининг катта қисмини миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга мос бўлмаган телесериалларнинг банд этиши ташвишланарли. Қолаверса, бошқа миллат афсоналари асосида яратил-ган, миллий қаҳрамонларни тараннум этувчи телесериаллар ёшларда ўз тарихига, миллий қаҳрамонларига бўлган эътиборсизликнинг ошишига, миллий ғурур, ўз аجدодларидан фахрланиш ҳиссининг сўнишига олиб келишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Афсуски, бизнинг миллий телевидение сунъий йўлдош орқали узатилаётган телеканаллар билан рақобатга кириша олмаяпти. Миллий телевидениенинг бу соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш зарурияти сезилмоқда. Таассуфки, бизда ахборотларни кам бериб, асосан кўнгил очар характерга эга бўлган, масалан, маълум бир ҳолатни «муҳокама» қилиш билан боғлиқ кўрсатувлар кўплаб берилади. Шунинг учун ҳам хорижий каналлардан мамлакатимизга кириб келаётган «ахборотлар»га ҳозиржавоб бўлишга қаратилган миллий телевидение кўрсатувларининг мазмундорлигини тубдан оширишимиз лозим.

Бундай ёт ғояларни сингдириш воситалари турли-туманлиги билан ҳам ажралиб туради. Жумладан, сўнгги пайтларда кўпайиб кетган турли клублар, дискотека ва кафелар ҳам бундан мустасно эмас. Бундай муассасалар одатда ўз фаолиятини тижорат асосида амалга ошираётганликлари учун ҳам уларнинг мақсади, табиийки, фақат даромад олишдан иборатдир. Бу каби масканларда тадбирларнинг мазмунига ва тарбиявий жиҳатларига умуман эътибор берилмайди. Қолаверса, кўнгилочар жойлар кўпинча спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва наркотик моддаларни тарқатиш манбалари экани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам ўсмирлар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйиш улар ҳулкининг маънавий жиҳатларининг бўзилишига, ўз келажагини барбод қилишига олиб келиши мумкин.

Ҳар хил ғояларни тарғиб этишда замонавий мобиль телефонларнинг ҳам «ҳиссаси» катта бўляпти. Телефон аппаратларига ёзилган бузуқлик, ёвузлик ёки бирон-бир ташкилотнинг, гуруҳнинг фаолиятини тарғиб этувчи ролик ва клипларнинг кўпайиб кетаётгани ёшларнинг тарбияси, ахлоқи бузилишига олиб келяпти. Жумладан, бундай ахборотлар ёшларда миллий қадриятларимиз, турли байрамларимизга нисбатан шубҳа уйғонишига ҳам сабаб бўлаётгани ачинарлидир. Бу каби ахборот оқимлари уларга ҳеч қандай маънавий озиқ бермайди, балки онгини ёт ғоялар билан заҳарлайди. Бу соҳада ижобий ўзгаришларга эришиш учун матбуотнинг жамият томонидан баҳоланиш мезонларини ишлаб чиқиш, эълон қилинаётган материалларга нисбатан жамоатчилик фикрлари таъсирини ошириш лозим.

Бугун биз ахборот алмашинуви жадаллашган, тинимсиз янгилашиб бораётган даврда яшаймиз. Ахборотлашув жараёни илм-фан, техника тараққиёти билан биргаликда инсон маънавиятига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Хулоса қилиб айтганда, биз мамлакатимиз фуқароларини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ахборотлашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларидан хабардор этиб боришимиз шарт. Бу эса бизнинг келажак авлод олдидаги ва дунёга бўй чўзаётган мамлакатимиз олдидаги олий бурчимиздир.

АХБОРОТЛАР ОҚИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ахборот жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг асосий ресурси сифатида намоён бўлаётган бир шароитда ўз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали технологияларни ишлаб чиққан давлатгина барқарорликка эришади. Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари чексиз, у шиддат билан ривожланиб, ахборот узатиш тизими ҳам кундан кунга такомиллашмоқда. Ахборот маконига назар ташлайдиган бўлсак, жамоатчиликни ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, фарзандларимизнинг одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатувчи ёт ғоялар «оммавий маданият» хуружлари, ахборотлар оқимининг кириб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Қонунчилигимизда ёшларни маънавий етук, ҳар томонлама баркамол бўлиб тарбияланиши ва турли ёт ғоялар ва носоғлом ахборот хуружларидан муҳофаза қилишга қаратилган етарли ҳуқуқий механизмлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси ва оила кодексининг 65-моддасида, хусусан, ота-оналар зиммасига ўз фарзандларини тарбиялаш, уларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбурияти юкланган. Бунинг учун видеобар, компьютерхоналар, телевидениедаги ажнабий, миллий менталитетимизга ёт сериалларни маълум маънода чеклаш билан бирга, 18 ёшга тўлмаганларни ёлғиз кўнгилочар масканларга киритмаслик мақсадга мувофиқ эканини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига «188-1-модда – Вояга етмаган шахсларнинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади» (2010 йил 17 май № ЎРҚ-244) деган норма билан мустаҳкамланган. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этиш тақиқланади. «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонунга асосан ўқувчи ёшларнинг, шунингдек, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга, уларни Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросидан баҳраманд этишга қаратилган универсал ахборот-кутубхона муассасалари ташкил этилган ҳолда фаолият олиб боришнинг ҳуқуқий механизми кўрсатилган. Таъбир жоиз бўлса, 2012 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунда ўз аксини топган меъёрлар ҳам ёшларнинг ахборот олишдаги ҳуқуқий кафолатини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бизга аёнки, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган қоидаларга мувофиқ, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб этувчи барча хатти-ҳаракатлар тақиқланган. Бу меъёрни янада такомиллаштириш ва аниқлаштириш мақсадида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги, яъни 189-1-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, республика ҳудудига олиб кириш, тарқатиш ва реклама қилиш, шунингдек, намойиш этиш ҳам тақиқланади. Бу хатти-ҳаракатни содир этган шахсларга нисбатан кодекснинг 189-моддасига кўра энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб

бўлиши ва барча воситалар мусодара қилиниши белгилаб қўйилган. Маънавий ахлоқимизга зид жиноятлар содир этган шахслар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда тегишли қонунчиликни такомиллаштириш ахборот асри деб ном олган бир даврда долзарб вазифа ҳисобланади. Жиноят кодексининг 130-моддасининг янги таҳририга асосан, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш ва намоиш этиш билан боғлиқ ҳаракатларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилиб, янги киритилган 130-1-моддага асосан уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо белгиланиши баркамол авлод келажагининг ҳуқуқий кафолатидир.

Қабул қилинган қонунлар мукамаллиги ва бар-қарорлигига эришиш, уларни ҳаётга жорий этиш механизмлари, шунингдек, порнографик маҳсулотларнинг қайси ёшдагилар ўртасида тарқатилганлиги ва намоиш этилганидан қатъи назар, халқимизнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятларига, оиласи, соғлом турмуш тарзи ва маънавий негизига катта хавф солиши диққат марказимизда бўлиши шарт. Қайд этиш керакки, юқорида таъкидланганидек мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши учун зарур бўлган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими яратилган. Жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мосдир. Бу қонун ҳужжатлари вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун хизмат қилиши даркор. Тараққий топган хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг кўпчилигида бу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигига амин бўламиз. Жумладан, «Кибер жиноятлар тўғрисида»ги Конвенсия, «Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет тўғрисида»ги Европа Иттифоқи парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Франция каби қатор давлатларда вояга етмаган ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар шулар жумласидандир. Мамлакатимиз ёшлари ватанпарвар, меҳнатқаш, меҳр оқибатли, доно ва билимлидир. Бу билан бирга шижоатли ва кучли иродали фарзандларимиз ҳам оз эмас. Биз улар билан ҳамиша фахрланиб яшаймиз. Лекин, орамизда, афсуски енгил ҳаётга мойил, эътиқоди суст, иродасиз болалар ҳам учраб туради. Шундай тоифадаги инсонлар ғарбона ҳаёт тарзига қизиқмайди, турли шоу дастурлар, ажнабий руҳдаги кечалар уларнинг тақдирини ўзгартирмайди, дея оламизми? Ёшларимизда урчиб бораётган салбий одатлар, улар тарбиясининг бузилишига олиб келади. Ҳозирда видеобар, компьютер, қўл телефони, дейсизми, телевидениедаги ажнабий енгил-елпи, бир-бирини алдаган, олди-қочди кинолар, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир қиладиган воситалар кўпайгандан кўпаймоқда. Булардан эҳтиёт бўлишимиз, ҳамиша огоҳ ва хушёр турмоғимиз ҳозирги кун талабидир. Мамлакатимиз президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда: «Бугун бизга ислохотларимизни тўлиқ амалга ошириш, уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш йўлида нималар ғов-тўсиқ бўляпти? Бу – бюрократия, манфаатпарастлик, порахўрлик, маҳаллийчилик, шухратпарастлик, лоқайдлик каби салбий иллатлардир»¹. Қачонки халқимиз кучли ирода, ақл-идроқ, миллий тафаккур билан иш тута олсагина ҳеч қачон ёмон ниятли таҳдидларга қул ва қарам бўлиб қолмайди. Балки, жамиятимизда ахлоқни, маънавиятни, фуқаролар ўртасидаги меҳр-оқибатни ҳимоя қилиш негизларини янада кучайтиришга асос бўлади. Қолаверса, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топиши, уларни ахборот хуружининг салбий таъсиридан муҳофаза қилишга замин яратади. Ҳақиқатда, «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан» баҳсга киришиш диққат эътиборимизда бўлиши керак. Ахборот хуружида турли таҳдидлар бор экан, келажагимиз ворисларининг эртанги тақдирини ўйлаб, ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир:

– ҳар биримиз фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялашимиз учун уларнинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур;

– миллий ахборот маконимизга чегара қўйиб бўлмаслигини назарда тутиб, ёш авлоднинг соғлиги ва маънавий оламнинг дахлсизлигини таъминлайдиган, вайронкорлик ва бузғунчилик мазмунидаги ахборот оқимидан ҳимоя қилишнинг муҳим омили сифатида алоҳида «Вояга етмаганларни жисмоний ва маънавий тарбиясига зарар келтирувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини, «Хавфсиз интернет» дастурини ишлаб чиқиш фурсати келди;

– ёшларни мустақил фикрлайдиган, ахборотни фарқлай оладиган инсонлар бўлиб етишишига олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янада кучайтириш;

– энг ривожланган давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, турли носоғлом ғояларга қарши ҳаракат тизимининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш;

– бугун шиддат билан ривожланиб бораётган тезкор даврдаги яна бир асосий омиллардан бири – бу соҳага оид қонунчилигимизни ҳам шунга мутаносиб равишда такомиллаштириб бориш зарур;

– ёшлар тарбиясига мутасадди бўлган барча марказий ва маҳаллий ташкилот ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллариининг бу борадаги фикр-мулоҳазарини билиш ҳамда ёш авлоднинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кенг миқёсда рўёбга чиқариш, уларни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, миллий кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги масъулиятини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шу ўринда хулоса қилиш мумкинки, халқимиз азалдан фарзанд тарбиясини энг нозик ва масъулиятли вазифа деб билади. Қонунчилигимизнинг мунтазам такомиллаштириб борилиши, янги ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган ҳуқуқий механизмлар ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, бу борада жавобгарликни янада кучайтиришда кучли қафолатли, ҳуқуқий ҳужжат вазифасини адо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012 й.
2. Ислон Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, – Тошкент: «Ўзбекистон», 2001, 74–75-б.
3. Ислон Каримов. Юсак маънавият енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2013, 102–103-б.
4. Ислон Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишни таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2009, 131–132-б.
5. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 65-б.
6. Б. Умаров. Ғарб тамаддуни: инкироз аломатлари. «Тафаккур» журнали, 2/2007 йил, 16-б.
7. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2009, 706-б.

8. И. Саифназаров, Г. Каримова. Ахборотлашган жамият. Ўқув услубий қўлланма. –Т.: «Иқтисодиёт», 2013, 31-б.

9. 7th International Conference «Central Asia – 2013: Internet, Information and Library Resources in Science, Education, Culture and Business» / 7-я Международная конференция «Central Asia – 2013: Интернет информационно-библиотечные ресурсы в науке, образовании, культуре бизнесе»

10. А. Меликулов. Миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини оширишда интернет маркетингдан самарали фойдаланиш, «XXI аср интеллектуал авлод асри» илмий амалий конференцияси материаллари, –Т.: 2014, 190-б.

11. internetworldstats.com.

12. www.lex.uz.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Ахборот ва ахборотлашган жамият.....	5
Ахборот хуружлари ва унинг намоён бўлиши	10
Ахборотлар оқимидан фойдаланишнинг хукукий асослари	23
Фойдаланилган адабиётлар.....	29

БЕКДАВЛАТ АЛИЕВ
АБДУХАЛИЛ МЕЛИҚУЛОВ

АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Тошкент «Маънавият» 2015

Мухаррир *О. Пардаев*
Мусаввир *Ш. Соҳибов*
Мусахҳих *Ш. Ҳакимова*

Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия А1 №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й.да рухсат этилди. Бичими 84х108 ¹/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.
Буюртма № 15-45. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти босмахонасида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 08–15.